

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

НОРБОЕВА ДИЛФУЗА ВАХОБЖОН ҚИЗИ

**ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ЗОНАСИ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган-2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstractor doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Норбоева Дилфуза Вахобжон қизи

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш зонаси элементлари
конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини
асослаш..... 3

Норбоева Дилфуза Вахобжон қизи

Обоснование параметров и усовершенствование конструкции
элементов зоны очистки от крупного сора..... 23

Norboyeva Difuza

Justification of the parameters and improvement of the design of the
elements of the zone of cleaning from large litter..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК–ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

НОРБОЕВА ДИЛФУЗА ВАХОБЖОН ҚИЗИ

**ПАХТАНИ ЙИРИК ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ЗОНАСИ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/Т739 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва Ziyonet ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Росулов Рўзимурад Хасанович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар

Қаюмов Абдул-малик Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Далиев Шухратжон Латибжонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик технология институти хузуридаги PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023-йил “04” март соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7 уй, тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edu.uz, Наманган муҳандислик–технология институти, 3-ўқув биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик–технология институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№ 523-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7 уй, тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2023-йил “21” февраль куни тарқатилди.
(2023-йил “21” февралдаги № 112-рақамли реестр баённомаси).



Муродов

Р.М. Муродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгашраиси,
техника фанлари доктори, профессор

Бобожанов
Холиқов

Х.Т. Бобожанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

К.М. Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта хом ашёси ва уни ифлосликлардан тозалаш машиналарини энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда дунё миқёсида 23-24 млн. тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилишини ҳисобга олсак, қайта ишланаётган пахта хомашёсини тозалашда иш жараёнини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. “Пахта бўйича халқаро консултатив қўмита” (ICAC) маълумотларига кўра, 2020-2021 йил мавсумида 1 кг пахта толасининг ўртача нархи 91.13 центни, пахта етиштириладиган умумий майдон 31.36 миллион гектарни, йиғиб олинаётган пахта хомашёси 28.51 млн. тоннани ва 2021-2022 йилларда кутилаётгани эса 29.11 млн. тоннани ташкил этади¹. Бу борада, жумладан, пахта тозалаш корхоналарини янги ресурстежамкор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш орқали маҳсулот таннархини камайтириш ва кластер тизимида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахтани тозалаш техника ҳамда технологиясини такомиллаштириш, пахта тозалашнинг самарали технологияси қурилмаларини ишлаб чиқиш, пахтани тозалаш, ресурстежамкор тозалагичларларнинг янги конструкциясини яратиш, ишлаш режимлари ва параметрларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, пахта маҳсулотининг истеъмол хусусиятларини яхшиланишига олиб келадиган пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларини ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган жиҳозларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарида бошланғич кўрсаткичларига боғлиқ равишда қайта ишланаётган пахтадан белгиланган сифатли пахта маҳсулотини олиш, пахтани тозалаш техника ҳамда технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, пахта тозалагичнинг тозалаш самарадорлигини аниқлаш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда пахтани қайта ишлаш машиналарини такомиллаштириш, улардан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, пахтани

¹ Cotton: World Statistics. Bulletin of the International Cotton Advisory Committee, NY, November 2017. <http://www.ICAC.org>.

тозалашнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахтани қайта ишлаш технологик машиналарида пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш, технологик параметрлари ва режимларини оптималлаштириш ва тадқиқ этишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.V.Laird, S.Gordon, Y.L.Hsieh ва бошқалар.

Мамлакатимизда пахтани тозалаш ва технологик жараёнга бир текисда узатиш, титишни фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Б.В.Логинов, Г.И.Мирошниченко, Г.И.Болдинский, Е.Ф.Будин, П.Н.Тютин, Р.З.Бурнашев, Р.В.Корабельников, А.Парпиев, А.Джураев, А.Е.Лугачев, Д.М.Мухаммадиев, Ж.Ю.Мирахмедов, М.Т.Ходжиев, Г.А.Курбанова, И.Д.Мадумаров, Х.С.Усманов, Ш.Ш.Хакимов, М.Агзамов, С.Фозилов, П.Н.Бородин, С.Д.Болтабоев. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида пахта тозалаш машиналарининг тозалаш самарадорлигини оширишда ва уларни амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, пахта тозалаш корхоналарида пахта хом ашёсини ифлосликлардан тозалагичнинг ишчи органларининг бир қатор конструктив ечимлари мавжуд. Олиб борилган илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, тозалагичнинг ишчи органлари ва параметрларини ҳисоблаш ҳамда асослаш чуқур кинематик ва динамик таҳлиллар асосида бажарилмаган. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш бўйича мавжуд ишчи органлар конструкцияларини такомиллаштириш бўйича муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2016-2-20 – “Пахтани қайта ишлаш машиналарининг ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” ва ОТ-Атех 2018-188 “Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш” мавзудаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда тозалаш зонаси элементларининг конструктив параметрларини такомиллаштириш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги конструкциядаги пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг конструктив ва технологик параметрларини тозалагичнинг математик моделлари ва тажриба таҳлиллари асосида аниқлаш;

тозалаш самарадорлигини оширишда аррачали-колосникли зонада аррачали цилиндр ва колосникли панжара колосникларнинг диаметрлари ва улар орасидаги масофанинг муқобил вариантларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали тозалаш технологиясининг самарадорлигини ошириш;

пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалайдиган янги тозалагични ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва унинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида пахтани қайта ишлаш технологик машиналарининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг аррачали -колосникли панжараси олинган.

Тадқиқот предмети пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, пахтани тозалаш жараёнининг режимлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, тебраниш назарияси, машиналар динамикаси, пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва технологик машиналар ҳисоби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичда панжара колосникларининг диаметрини ва колосниклар орасидаги масофани ошиши сабабли пахтанинг ҳаракати жараёнидаги тезлиги, зичлиги ва босимини аниқлаш тенгламалари олинган ҳамда сонли ечимларга асосан колосникларнинг тозалаш траекториясини ортиши аниқланган;

пахтани панжара колосникларига урилиши натижасида пахта таркибидан ажралган бўлакча массасининг камайишини таъминлаш мақсадида масса билан унинг зичлиги орасидаги боғланишнинг ҳисоблаш формуласи аниқланган;

тозалагич аррачали барабан юритиш механизмларини, қайишқоқлик-диссипатив хусусиятлари ва технологик қаршилиқларни инобатга олиб, машина агрегати динамикаси масаласи ечилган ҳамда ҳаракат қонунлари ва боғланиш графикларига асосан тавсия параметрлари аниқланган;

панжарадаги колосник диаметри ҳамда пахта хом ашёсининг ҳаракат йўналиши бўйича мос равишда камайиб борувчи колосниклар орасидаги масофаларни мақбул қийматларини тўлиқ омилли математик режалаштириш

асосида адекват регрессион тенглама олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг аррачали - колосникли зонада тозалагичнинг конструктив параметрлари такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

пахтани йирик ифлосликлардан тозалагични ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва унинг технологик кўрсаткичларини ва пахтани тозалаш тизимини қўллаш ҳисобига энергия ва ресурс сарфи камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот якунида диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тавсия қилинган пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг колосникли-аррачали зонада пахтанинг колосникка урилишдаги ҳаракатининг назарий ва тажрибавий асослари ва параметрлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг колосниклар диаметри ва улар орасидаги масофанинг ўзгаришининг тозалаш самарадорлигига таъсири билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машиналари конструкциясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг аррачали барабан атрофидаги колосникларнинг такомиллаштирилган конструкциясини “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятига қарашли “Косонсой пахта тозалаш” АЖ га ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 04 ноябрдаги 03-18/2593 сон маълумотнома). Натижада пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда тозалаш самарадорлигини 12-13% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 5 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро, 2 та Республика конференцияларида ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан иккиттаси чет элда нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 2 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

Изланувчи тадқиқот ишларини бажаришда назарий ва тажрибавий натижаларни олишда маслаҳатлари ва ёрдамлари учун проф. А.Джураевга ўз миннатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш техника ва технологияси ривожланишининг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида МДХ давлатлари ва хорижий пахта тозалагичлар конструкциялари бўйича таҳлил амалга оширилган. Ҳозирги замонавий пахта тозалаш корхоналарида пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш пахтани қайта ишлаш технологик регламенти асосида турли технологик схемаларга кўра амалга оширилади. Ҳозирги вақтда пахтани тозалаш технологик оқим чизиғида 1ХК ва УХК русумидаги ягона тозалаш комплексига бирлашган чизиқли-оқим таркибидаги тозалаш модулида амалга оширилади (масалан, қийин тозаланадиган пахта навлари учун 6КХО.02 ёки КОГТ). Бу оқим чизиғи бир-биридан тозалашнинг технологик модуллар сони билан фарқланиб, бунда оқим чизиғидаги ташиш ускуналари ва тозалаш ускуналарининг кетма-кетлиги турлича бўлади. Пахтани қайта ишлаш технологик регламентига мувофиқ, уни пахта тозалаш корхоналарида тозалашнинг параллел ўрнатилган иккита технологик чизиғида амалга оширилиб, унда тозалаш комплексининг иш унумдорлиги пахтани майда ифлосликлардан тозалаш машинаси 1ХК тозалагичидаги иш унумдорлиги регламент асосида бажарилади (6-7 т/соатгача).

Пахта тозалаш корхоналарида асосий технологик машиналардан бири пахтани ифлосликлардан тозалаш машинаси ҳисобланиб, бу машинада пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясининг асосий ишчи органи аррачали барабан ва колосникли панжарадир.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, пахта хом ашёси колосникли панжарадаги тозалаш йўналиши бўйича бошланғич колосникларга урилганда тозалаш самарадорлиги юқори бўлиб, тозалаш ёйининг охирида эса тозалаш самарадорлигининг камайиб кетишини ҳисобга олиб, тозалаш ёйининг бошида колосникларнинг диаметрининг кам бўлиши ва тозалаш ёйининг охирида колосникларнинг диаметрининг ошиши тозалагичнинг тозалаш

самарадорлигининг ошишига олиб келади. Тадқиқотлар таҳлили асосида ишнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг “Тозалагичнинг тозалаш зонасида пахтанинг тақсимланиш қонунини тадқиқи” деб номланган иккинчи бобида пахта хом ашёси оқими колосниклар тизими билан зарбавий таъсирда бўлганда, ундаги босим, зичлик ва тезликлар хар бир колосникдан ўтгандан сўнг ўзгаришларини назарий тадқиқ қиламиз. Бу жараёни моделлаштириш учун қуйидаги фаразларни қабул қиламиз.

1. Пахта массаси туташ муҳит ва оқимнинг ҳаракатини стационар деб, қабул қиламиз, у холда оқимдаги унумдорлик колосниклар жойлашган зонада ўзгармас бўлиб Q_0 га тенг бўлиб, оқимдан ажралиб чиққан ифлосликлар унумдорликка Q_0 га таъсир қилмайди.

2. Оқимнинг ҳаракати колосниклар орасидаги бир ўлчовли деб қабул қилинади.

3. Колосниклар радиуси улар жойлашган ёй бўйлаб ошиб боради, улар орасидаги масофа сақланади.

4. Ихтиёрий колосник пахта оқими (муҳит) билан ўзаро контактда бўлиб, колосникнинг муҳитга ботишлиги Герц қонунига асосан, ёки тажриба асосида аниқланади. Оқимнинг хар бир колосник орасидаги тезлигини, босимини ва зичлигини (параметрларини) ва кесим юзасини мос равишда v_i , p_i ва S_i билан белгилаймиз, ($i = 1...n$) n -колосниклар сони.

Босимнинг параметрларини биринчи ва иккинчи колосниклар орасида аниқлаймиз.

Фараз қилайлик, оқимнинг дастлабки (колосниклар зонасидан ташқари) параметрлари ρ_0, v_0, h_0 ва S_0 бўлсин. Биринчи колосник билан таъсирланишуви олдидан оқим қалинлиги h_0 бўлсин, у холда оқимнинг иш унумдорлиги $Q_0 = \rho_0 v_0 h_0 L$ га тенг бўлади, бу ерда L - барабаннинг узунлиги.

Биринчи колосник билан ўзаро таъсир зонаси ABCD бўлиб, шу зонада оқим параметрларини аниқлаймиз. Ox ўқини DC кесим бўйлаб йўналтирамиз. Координата бошини O нуқтада жойлаштирамиз (1-расм).

Ихтиёрий mn юза (текисликка перпендикуляр) қуйидаги формула билан аниқланади:


$$S = (h_0 - u_0 + \frac{x^2}{2R_0})L \quad - x_0 < x < x_0 \quad (1)$$

бу ерда h_0 хомашёнинг дастлабки қалинлиги, $x_0 = \sqrt{2u_0 R_0}$ u_0 - колосникнинг оқимга максимал ботиши унинг қиймати Герц қонунига асосан, ёки тажрибавий аниқланади, R_0 -колосник радиуси, L барабан валининг узунлиги.

Биринчидан, оқим стационарлик шarti

$$\rho v b = \rho_0 v_0 b_0 = Q_0 / L \quad (2)$$

Иккинчи шarti муҳитнинг холат тенгламаси ўринли бўлиши керак.



1-расм. Тозалагичнинг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясининг кўриниши.

бўлганлиги сабабли $\Delta p < 0$ бўлиши лозим. $B \ll 1$ ва айирма $\Delta p = p_0 - p$ ниг кичик қиймаларида деб қабул қилиб, $B\Delta p \ll 1$ бўлган ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$v = \delta_2 = v_0[1 - B(p - p_0)] \quad (5)$$

(4) ифодани (5) га ўзгартирилганда нисбий хатоликни $\Delta p = p - p_0$ коэффициент B нинг ҳар хил қийматларида фойзда баҳолаймиз. Улар айирмасининг δ_1 нисбатини δ билан белгилаймиз.

$$\delta = \frac{100(\delta_1 - \delta_2)}{\delta_1} = 100B^2\Delta p^2 \quad (6)$$

Қуйидаги жадвалда $\Delta p = p_0 - p$ босимнинг берилган коэффициент B нинг ҳар хил қийматларида ҳар бир хатолик $\delta(\%)$ учун максимал қийматлари Δp_m келтирилган. Қўйилган масалаларини ечишда (6) формулада фойланилган, хатолик $\delta(\%)$ берилса у ҳолда ҳисоблаш жараёнида босим учун $\Delta p \leq \Delta p_m$ шарти бажарилиши лозим бўлади. Масалан, хомашё учун $B = 0.0015 \text{ Па}^{-1}$ маълум бўлса, (5) формуладан фойдаланишда хатолик 3% дан ошмаслиги учун жадвалдаги натижаларга асосан ҳисоб босим $\Delta p = p_0 - p = 115,5 \text{ Па}$ дан ошмаслиги керак, хатолик 10% ошмаслиги учун босим $\Delta p = p_0 - p = 210,8 \text{ Па}$ дан ошмаслиги лозим.

(5) формуладан фойдаланиб тенглама қуйидаги чизикли тенглама кўринишга келтирамиз:

$$(M^2 h_0 - b) \frac{dv}{dx} = -(b' + fk)([p_0 B + 1]v_0 - v) \quad (7)$$

Юқоридаги тенгламалари бошланғич шарт $v_1(0) = v_0$ ва тезликларининг узлуксиз шартлари $v_2(2x_0) = v_1(2x_0)$, $v_3(s_1) = v_2(s_1)$ асосида интегралланади.

Ҳисоблаш жараёнида $M < 1$ тенгсизликнинг бажарилиши талаб этилади.

Ҳисоблашлар иш унумдорлиги Q нинг тўртта қийматида тозалаш зонасида тўртта колосник бўлган ҳол учун бажарилган бўлиб, қуйидаги

қийматларда бажарилган $B = 0.001\text{Па}^{-1}$, $p_0 = 80\text{Па}$, $h_0 = 0.014\text{м}$, $L = 1.9\text{м}$, $\rho_0 = 40$,
 $2R_0 = 0.0185\text{м}$ $2R_1 = 0.019\text{м}$ $2R_2 = 0.0195\text{м}$ $2R_3 = 0.02\text{м}$, боғланишдан
 фойдаланишдаги хатолик $5\% < \delta < 8\%$ ораликни ташкил этади.

1-жадвал.

**Коэффициент B ва нисбий хатолик $\delta(\%)$ нинг ҳархил қийматларида
 (5) формуладан фойдаланишда босим Δp босимнингнинг максимал
 Δp_m (Па) қийматлари**

	$B = 0.0005\text{Па}^{-1}$					$B = 0.001\text{Па}^{-1}$				
$\delta(\%)$	1	3	5	8	10	1	3	5	8	10
Δp_m (Па)	200	346,	447,2	565,7	632,4	100	173,2	223,6	282,8	316,2
	$B = 0.0005\text{Па}^{-1}$					$B = 0.002\text{Па}^{-1}$				
$\delta(\%)$	1	3	5	8	10	1	3	5	8	10
Δp_m (Па)	67,7	115,5	149,1	188,6	210,8	50	86,6	111,8	141,4	158,1


2- 4 - расмларда тозалаш зонасида тезлик (2- расм), зичлик (3- расм) ва босим (4- расм) Δp ларинг иш унумдорлиги Q ва u_i ларнинг ҳар хил қийматларидаги графиклари келтирилган.

$$u_0 = 0.002\text{м}, u_1 = 0.0022 u_2 = 0.0024\text{м} \quad u_0 = 0.001\text{м}, u_1 = 0.0012 u_2 = 0.0014\text{м}$$


5-расмда тозалаш зонасида тозалаш самарадорлиги ε нинг колосникларнинг хомашёга ботиш қийматлари u_i ва унумдорлик Q нинг ҳар хил қийматларида тозалаш ёйи бўйича тақсимланиш графиклари келтирилган.

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда тозалаш машинасининг ишлаш тартибларини таҳлил қилиш учун унинг машина агрегатлари динамикасини кўриб чиқамиз.

$$u_3 = 0.0026\text{м}$$




$$u_3 = 0.0016\text{м}$$



2- расм. Тозалаш зонасида пахта оқими тезлигининг иш унумдорлиги Q нинг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари.


$$1 - Q = 5000\text{кг/соат}, \quad 2 - Q = 7000\text{кг/соат}, \quad 3 - Q = 9000\text{кг/соат}, \quad 4 - Q = 11000\text{кг/соат}.$$

Тавсия этилган пахтани йирик ифлосликлардан тозалагич конструкциясида таъминловчи валиклар, аррачали барабан, чўткали барабан, колосникли панжара, ҳамда электр юритгич келтирилган.




3- расм Тозалаш зонасида пахта оқими зичлигининг иш унумдорлиги Q нинг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари.

1 – $Q = 5000$ кг/соат 2 – $Q = 7000$ кг/соат , 3 – $Q = 9000$ кг/соат , 4 – $Q = 11000$ кг/соат




4- расм Тозалаш зонасида пахта оқимида босим Δp нинг иш унумдорлиги Q нинг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари

1 – $Q = 5000$ кг/соат 2 – $Q = 7000$ кг/соат , 3 – $Q = 9000$ кг/соат , 4 – $Q = 11000$ кг/соат .



5- расм. Тозалаш зонасида тозалаш самарадорлигининг ε нинг иш унумдорлиги Q нинг ҳар хил қийматларида тақсимланиш графиклари

1 – $Q = 5000$ кг/соат 2 – $Q = 7000$ кг/соат , 3 – $Q = 9000$ кг/соат , 4 – $Q = 11000$ кг/соат



6-расм. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалагич машина агрегати динамик модели.

Ишлаш жараёнида айланма ҳаракат электр юритгичдан чўткали барабанга тўғридан-тўғри муфта орқали узатилади. Чўткали барабан валидан аррачали

барабанга ҳаракат тасмали узатма орқали амалга оширилади. Шунинг учун системанинг динамик модели уч массали қилиб олинди (6-расм). Бунда биринчи - масса электр юритгич ротори ва ярим муфта массаси, иккинчи массага – ярим муфта ва чўткали барабан, ҳамда етакловчи шкив массалари, ва аррачали барабан массалари киради.

Ҳаракат тенгламаларини ҳосил қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Системадан ташқарида элементлар мавжуд бўлмаса, ҳаракат тенгламаларини система кинематик энергиялари шаклидек фойдаланиб аниқланди:

$$A_{\text{ю}} - A_{\text{к}} = \sum \frac{mv^2}{2} - \sum \frac{mV_0^2}{2} \quad (8)$$

бу ерда $A_{\text{ю}}$, $A_{\text{к}}$ -машина агрегатдаги юритувчи ва қаршилик кучларини бажарган ишлари; m -бўғинларнинг массаслари; V_0 , V – бўғинларнинг бошланғич ва охириги тезликлари.

Айланма ҳаракат қилувчи бўғинлари бўлган механизмлар учун, машиналар (инерция моментлари) ўзгарувчан бўлган ҳолатлар учун қуйидаги тенгламалардан фойдаланиб, бўғимларнинг ҳаракат қонунларини аниқлаш ҳисобланади:

$$M_{\text{ю}} - M_{\text{к}} = J_{\text{к}} \frac{d\omega}{dt} + \frac{\omega^2}{2} \frac{dJ_{\text{к}}}{d\varphi} \quad (9)$$

бу ерда $M_{\text{ю}}$, $M_{\text{к}}$ – юритувчи ва қаршилик кучларининг моментлари; $J_{\text{к}}$ – системанинг келтирилган инерция momenti; ω – келтирилган бўғин бурчак тезлиги.

Умуман олганда технологик машиналар, жумладан пахтани дастлабки ишлаш технологик машиналари ишчи органлари ўзгармас инерция моментига эга, улар ўзаро кўп ҳолларда муфта ва тасмали узатмалар орқали боғланганлар.

Ушбу ҳолатлар учун ишчи органларнинг ҳаракат қонунларини ифодаловчи тенгламаларини олиш учун Лагранжнинг II–тартибли тенгламаларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}_i} \right) - \frac{\partial T}{\partial q_i} + \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{q}_i} + \frac{\partial \Pi}{\partial q_i} = Q_i \quad (10)$$

бу ерда T , Π – системанинг кинематик ва потенциал энергиялари; Φ -Релейнинг диссипатив функцияси; q_i – умумлаштирилган координата; Q_i – системанинг умумлашган кучи.

Келтирилган динамик моделни 6-расмга асосан пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичининг ишчи органлари ҳаракат қонунларинини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини тузамиз.


Уч массали машина агрегати учун машиналарнинг кинематик тенгламалари:

$$T = \frac{J_{\text{ю}}}{2} \left(\frac{d\varphi_{\text{ю}}}{dt} \right)^2 + \frac{J_{\text{ч}}}{2} \left(\frac{d\varphi_{\text{ч}}}{dt} \right)^2 + \frac{J_{\text{б}}}{2} \left(\frac{d\varphi_{\text{б}}}{dt} \right)^2 \quad (11)$$

бу ерда $J_{\text{ю}}$, $J_{\text{ч}}$, $J_{\text{б}}$ – мос равишда электр юритгичи, чўткали барабан ва аррачали барабанларнинг инерция моментлари; $\varphi_{\text{ю}}$, $\varphi_{\text{ч}}$, $\varphi_{\text{б}}$ - мос равишда электр юритгич, чўткали барабан ва аррачали барабанларининг бурчак силжишлари.

Иш унумдорлигини унга мос равишда ифодалайдиган технологик қаршилик моментлари, жумладан, $M_{\text{ткб}} = 42\text{Нм}$ ва 76 Нм қийматларидаги қонуниятлар 7-расмда келтирилган.


Олинган қонуниятлар шуни кўрсатадики, юкланиш 42Нм бўлганида ротор ва чўткали барабан валлари бурчак тезликлари ўртача (935÷955) айл/мин оралиғида ўзгаради, мос равишда аррачали барабан вали (275÷285) айл/мин оралиғида тебранади. Электр юритгич валидаги бурувчи момент ўртача (18÷22) Нм оралиғида тебранади. Машина агрегати барқарор ҳаракатга чиқиш даври деярли (0.42÷0.43) с ни ташкил этади.



7 – расм. Машина агрегати электр юритгич ротори, чўткали ва аррачали барабан ҳаракат қонуниятлари

Олинган ҳаракат қонуниятларини қайта ишлаш натижасида параметрларнинг ўзаро боғланиш графиклари қурилди.

8 – расмда машина агрегати электр юритгич ротори, чўткали ва аррачали барабанларнинг валлари бурчак тезликларининг технологик қаршилиқларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган. Олинган боғланишлар таҳлилига асосан технологик қаршилиқ 15 Нм дан 120 Нм гача ўзгарганда электр юритгич бурчак тезлигининг ўртача қиймати $104,2 \text{ с}^{-1}$ дан $82,3 \text{ с}^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда камайиб боради.



8- расм. Машина агрегати электр юритгич ротори, чўткали ва аррачали барабанларнинг валлари бурчак тезликларини технологик қаршилиқларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари.


Таъкидлаш керакки, электр юритгичдан ҳаракат чўткали барабанга қайишқоқ элементли муфта орқали узатилади. Уларнинг ўртача бурчак тезланишлари ўзар бир-бирига яқин бўлади, чўткали барабанга технологик қаршилиқ тўғридан - тўғри таъсир қилгани учун озгина силжиш мавжуд бўлади. Бунда $\dot{\varphi}_4$ тебранишларини инобатга олсак, $M_{TK} = 76\text{Нм}$ бўлганда бурчак тезлигининг камайиши $73,9 \text{ с}^{-1}$ гача камаяди. Мос равишда аррачали барабаннинг бурчак тезлиги $34,8 \text{ с}^{-1}$ дан $25,1 \text{ с}^{-1}$ гача ночизикли қонуниятларда камайиб боришини кўришимиз мумкин. Бурчак тезликларининг камайиб кетиши тозалаш жараёнининг интенсивлигини камайтиради. Шунинг учун технологик қаршилиқ қийматлари (75÷85) Нмдан ошмаслигини таъминлаш тавсия этилади.

9-расмда юритма вали, чўткали ва аррачали барабанлар валлари бурчак тезликлари тебраниш қамровларини тозаланаётган пахтадан келадиган технологик қаршилиқнинг ўзгаришига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Таҳлиллар асосида шуни айтиш керакки, технологик қаршилик ортиб бориши билан бурчак тезликларининг тебраниш қамрови қийматлари ночизикли қонуниятда кўпайиб боради. Бунда аррачали цилиндр бурчак тезлигининг қамров қийматлари унинг инерция моменти кичик қийматида бўлганида, яъни $J_6 = 0,81 \text{ кг м}^2$ да $\Delta\dot{\varphi}_4$ қийматлари $2,3 \text{ с}^{-1}$ дан $5,62 \text{ с}^{-1}$ гача ортиб борса, инерция моменти $0,226 \text{ кг м}^2$ гача кўпайганида $\Delta\dot{\varphi}_6$ қийматлари $4,23 \text{ с}^{-1}$ дан ошмайди.

Маълумки, тозалаш самарадорлиги аррачали барабаннинг нотекис айланишига тўғридан - тўғри боғлиқдир. Шунинг учун юқори иш унумдорлигида аррачали барабанга инерция моментини каттароқ қилиб танлаш, яъни $J_6 = (0,2 \div 0,24) \text{ кгм}^2$ бўлиши тавсия этилади.

Шунингдек, чўткали барабанга ҳам пахта бўлакчаларини аррачали барабан сиртидан интенсив ажратиб олиш учун $\Delta\dot{\varphi}_4$ етралича қийматларга тенг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунда $\Delta\dot{\varphi}_4$ нинг қийматлари $(7,0 \div 11) \text{ с}^{-1}$ ораликда бўлиши учун $J_4 = (0,08 \div 0,085) \text{ кгм}^2$ бўлиши тавсия этилади. Тегишли равишда электр юритгич ротори валидаги келтирилган инерция моменти $(0,02 \div 0,025) \text{ кгм}^2$ дан ошмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.



бу ерда 1,4 – $\Delta\dot{\varphi}_4 = f(M_{тк})$; 2,5 – $\Delta\dot{\varphi}_{ю} = f(M_{тк})$; 3,6 – $\Delta\dot{\varphi}_6 = f(M_{тк})$

- 1 – $J_{ю} = 0,0213 \text{ кгм}^2$; 4 – $J_{ю} = 0,0361 \text{ кгм}^2$;
- 2 – $J_{ю} = 0,062 \text{ кгм}^2$; 5 – $J_{ю} = 0,086 \text{ кгм}^2$;
- 3 – $J_{ю} = 0,181 \text{ кгм}^2$; 6 – $J_{ю} = 0,226 \text{ кгм}^2$.

9-расм. Юритма вали, чўткали ва аррачлари барабанлар валлари бурчак тезликлари тебраниш қамровларини тозаланаётган пахтадан келадиган технологик қаршиликнинг ўзгаришига боғлиқлик графиклари

Тасмали узатманинг бикрлик коэффициентининг ортиши машина агрегати айланувчи қисмлари бурчак тезликлари тебранишларини камайтиради. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, C_2 нинг ортиши системани бир массали системага яқинлаштиради, инерция моменти деярли кўшилади. Демак, тебранишлар амплитудалари камаяди. Жумладан, C_2 нинг


қийматлари $0,5 \cdot 10^2 \text{ Нм/рад}$ дан $3 \cdot 10^2 \text{ Нм/рад}$ гача кўпайтирилганда аррачали барабаннинг бурчак тезлигининг тебраниш қамрови $0,78 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$ дан $0,42 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$ гача ночизикли қонуниятда камайиши кузатилади. Чўткали барабаннинг $\Delta\dot{\varphi}_4$ қийматлари эса, $1,08 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$ дан

$0,6 \cdot 10 \text{ с}^{-1}$ га ча камайишига олиб келади. Демак, пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги юқори бўлиши учун тасмали узатма бикрлик коэффициенти қийматлари $C_2 = (200 \div 220) \text{ Нм/рад}$ оралигида тавсия этилади. Бунда электр юритгич валидаги юкланишнинг $(28 \div 30) \text{ Нм}$ дан ошмаслигини таъминлайди.

Диссертациянинг “Пахтани йирик ифлосликлардан тозала-гичнинг янги конструкциядаги колосникли панжарасининг конструктив параметрларини муқобиллаштириш” деб номланган учинчи бобида пахта

тозалаш корхоналарининг пахтани ифлосликлардан тозалаш агрегатининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш секциясида пахтанинг ҳаракати ўрганилган. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг колосникли панжараси ёйсимон ёндорларга қотирилган колосникли панжарадан иборат бўлиб, колосникли панжара колосниклари ўзаро бир-бирига нисбатан доимий тирқишда ўрнатилган. Лекин, колосниклар турли диаметрли бўлиб, бунда колосниклар орасидаги масофа тозалаш ёйи бўйича камайиб боради. Тозалагичнинг тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичнинг янги конструкциядаги колосникли панжараси лойиҳаланди (10-расм).

Пахта хомашёси колосникли панжара юзаси бўйлаб ҳаракатланганда пахта хом ашёсининг ҳаракатланиши йўналиши бўйича колосникларнинг диаметрининг ошиб боради, яъни, биринчи колосникнинг диаметри 18мм ни, охириги (ўнинчи) колосникнинг диаметри эса 22мм ни ташкил этади, бунда $d_i = d_{i-1} + 4\text{мм}/n$ (бу ерда d_{i-1} - i -та колосникнинг диаметри бўлиб, n – колосниклар сони, $22\text{ мм} - 18\text{ мм} = 4\text{ мм}$), колосниклар орасидаги масофа эса пахта хом ашёсининг ҳаракат йўналиши бўйича мос равишда камайиб боради, яъни биринчи ва иккинчи колосник орасидаги масофа 60мм ни, охириги (тўққизинчи ва ўнинчи) колосниклар орасидаги масофа эса 50мм ни ташкил этади, бунда $t_{i, i+1} = t_{i-1, i} - 10\text{мм}/n - 1$ (бу ерда $t_{i, i+1}$ - i -та ва $i+1$ - та колосниклар орасидаги масофа,



1-колосник; 2-аррачали барабан.

10-расм. Толали материал тозалагичнинг аррачали цилиндри

60 мм-50 мм=10мм), колосникли панжара ва аррачали барабан орасидаги масофа эса ўзгармас. Δ -аррачали барабан ва колосник орасидаги тирқиш.

Пахта тозалаш машиналарининг асосий технологик кўрсаткичларидан бири тозалаш самарадорлиги ҳисобланади. Тажриба изланишларини ўтказишда аррачали барабаннинг айланиш частотаси, аррачали барабан ва

колосник орасидаги масофа, колосниклар диаметри ва бошқаларни ўрганиш амалга оширилди. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар тўғридан-тўғри ва бевосита тозалагичнинг технологик параметрларига таъсир қилади

Тажриба ва назарий изланишларини ўтказиш натижасида қуйидаги асосий омиллар аниқланди: барабаннинг айланиш частотаси (мин^{-1}), аррачали барабан ва колосник орасидаги масофа (мм), колосниклар диаметри (мм).

Изланишлар олиб бориш учун тўла омилли тажриба (ТОТ) 2^3 танланди. Ҳамма белгиланган асосий омиллар иккита даржада (+1) ва (-1), тажрибалар сони эса $2^3 = 8$ ни ташкил этди. Ўтказилган тажриба натижаларига кўра қуйидаги регрессия тенгламасини олдик:

$$\bar{Y}_R = 52,83 + 4,59X_1 + 1,28X_2 + 4,88X_3 + 1,27X_2 X_3$$


Олинган моделнинг адекватлигини текшириш учун Фишер критериясидан фойдаланилди.

11-расмда аррачали барабаннинг айланишининг тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига таъсири графиги, 12-расмда аррачали барабан ва колосник

орасидаги масофанинг тозалаш самарадорлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги, 13-расмда колосниклар диаметрининг тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги келтирилган.


Графикда колосник диаметри 18,5 ммни ни ташкил этганда машинанинг тозалаш самарадорлиги 90 %ни, колосник диаметри 21 ммни ни ташкил этганда машинанинг тозалаш самарадорлиги 92,9 %ни, колосник диаметри 23 ммни ни ташкил этганда машинанинг тозалаш самарадорлиги 94 %ни ташкил этади.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, аррачали барабан айланишлар частотаси ошган сари, машинанинг тозалаш самарадорлигининг ошиши, аррачали барабан ва колосник орасидаги масофанинг ошиши билан машинанинг тозалаш самарадорлигининг ошиши, колосниклар диаметри ошиши билан машинанинг тозалаш самарадорлигининг ошишига олиб келади.



Барабаннинг айланишлар сони, мин⁻¹


11-расм. Аррачали барабаннинг айланишининг тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига таъсири графиги



Аррачали барабан ва колосник орасидаги масофа, мм

12-расм. Аррачали барабан ва колосник орасидаги масофанинг тозалаш самарадорлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги.

Шунингдек, “Ўзпахтасаноат” акционерлик жамияти “Наманган пахта текс” га қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонаси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил санот институти ходимлари иштирокида 2020 йил февраль-март ойларида ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди ва “Косонсой пахта тозалаш” корхонасининг технологик жараёнига такомиллаштирилган тозалагич жорий қилинди (04.11.2020 й. даги 03-18/2593 сон далолатнома диссертация иловасида келтирилган).



13-расм. Колосниклар диаметрининг тозалагичнинг тозалаш самарадорлигига боғлиқлик графиги.

Тавсия этилган режим бўйича ишлов берилган толада нуқсон ва ифлосликларнинг массавий улушлари ҳам мавжуд режимдагига нисбатан камайган, яъни янги режим нуқсон ва ифлосликларнинг массавий улушларини II навли пахта хомашёсидан олинган толада 0,48% (абс) (тавсия этилган режим бўйича тола II нав, синфи-“олий”, мавжуд режим бўйича тола II нав, синфи-“яхши”) ва III навли пахта хомашёсидан олинган толада 0,87% (абс) га

(тавсия этилган режим бўйича тола III-нав, синфи-“яхши”, мавжуд режим бўйича тола III нав, синфи-“ўрта”) камайтиришга имкон берган (14-расм). Тавсия қилинган тозалагични ишлаб чиқаришга (“Наманган пахта текс” га қарашли “Косонсой пахта тозалаш” корхонаси) татбиқ этишдан олинган иқтисодий самарадорлик 294 200,85 минг сўмни ташкил этади.



а) пахтани йирик ифлсликлардан тозалагичнинг колосникли панжараси



в) пахтани йирик ифлсликлардан тозалагич намуна олиш жараёни

14-расм. Колосникли панжарининг йирик ифлосликлардан тозалаш секцияси

ХУЛОСА

“Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш зонаси элементлари конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш ” мавзуси бўйича олиб борилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларга келинди:

1. Мавжуд пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш технологияси ва конструкциялари таҳлили асосида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, пахтани ифлосликлардан тозалаш машиналарининг тозалаш самарадорлиги талаб даражасида эмас.

2. Шунингдек, пахтани ифлосликлардан тозалашда аррачали барабан ва колосникли панжара орасидаги масофанинг ўзгариши тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганилмаган. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалагич, ишчи органларининг самарали конструктив схемалари ишлаб чиқилди. Уларнинг таҳлилидан тозалаш жараёни зона бир хил эмаслиги, колосниклар жойлашган зоналарда хомашёнинг қисман зичланиши, натижада самарадорлик камайиши мумкинлигининг изоҳлаш мумкин.

3. Тавсия этилган пахтани йирик ифлсликлардан тозалагич машина агрегатининг электр юритгич механик характеристикаси, муфта ва тасмали узатма бикрлик диссипатив характеристикалари, чўткали ва аррачала барабан импульс моментлари, технологик қаршиликларни инобатга олиб, ҳаракат қонуниятларини ифодаловчи дифференциал тегламалар ситемаси олинди. Машина агрегати барқарор ҳаракатга чиқиш даври деярли $(0.42 \div 0.43)$ с ни ташкил этиши аниқланди. Машина агрегати электр юритгич ротори, чўткали ва аррачали барабанларнинг валлари бурчак тезликларининг технологик қаршиликларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари қурилди.

4. Юқори иш унумдорлигида аррачали барабанга инерция моментини каттароқ қилиб танлаш, яъни $J_6 = (0,2 \div 0,24)$ кг м² бўлиши тавсия этилади. Шунингдек, чўткали барабанга ҳам пахта бўлакчаларини аррачали барабан сиртидан интенсив ажратиш олиш учун ϕ_4 етралича қийматларга тенг бўлиши

мақсадга мувофиқдир. Бунда ϕ_4 нинг қийматлари $(7,0 \div 11) \text{ с}^{-1}$ ораликда бўлиши учун $J_4 = (0,08 \div 0,085) \text{ кг м}^2$ бўлиши тавсия этилади. Тегишли равишда электр юритгич ротори валидаги келтирилган инерция моменти $(0,02 \div 0,025) \text{ кг м}^2$ дан ошмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги юқори бўлиши учун тасмали узатма бикрлик коэффициенти қийматлари $C_2 = (200 \div 220) \text{ Нм/рад}$ оралиғида тавсия этилади. Бунда электр юритгич валидаги юкланишнинг $(28 \div 30) \text{ Нм}$ дан ошмаслигини таъминлайди.

5. Колосникларнинг мураккаб шароитда ишлаши, шунингдек, кўп факторлардан тебраниш характериға боғлиқлигини бу параметрларни ҳисоблаш учун таянчдаги колосникнинг динамик моделини тузилди. ЭВМ да мустақкамлик ҳисобларини ўтказишда бикр колосникли мавжуд тозалагичларга нисбатан янги колосникли панжараларнинг ишчи параметрлари аниқланган.

6. Аррачали барабан атрофида жойлашган колосникларнинг диаметрлари тозалаш йўналиши бўйича ошиб боради, яъни, биринчи колосникнинг диаметри 18мм ни, охири (ўнинчи) колосникнинг диаметри эса 22мм ни ташкил этади, бунда $d_i = d_{i-1} + 4 \text{ мм}/n$ (бу ерда d_i - i -та колосникнинг диаметри бўлиб, n – колосниклар сони, $22 \text{ мм} - 18 \text{ мм} = 4 \text{ мм}$), колосниклар орасидаги масофа эса пахта хом ашёсининг ҳаракат йўналиши бўйича мос равишда камайиб боради, яъни биринчи ва иккинчи колосник орасидаги масофа 60мм ни, охири (тўққизинчи ва ўнинчи) колосниклар орасидаги масофа эса 50мм ни ташкил этади, бунда $t_{i, i+1} = t_{i-1, i} - 10 \text{ мм}/n - 1$ (бу ерда $t_{i, i+1}$ - i -та ва $i+1$ - та колосниклар орасидаги масофа, $60 \text{ мм} - 50 \text{ мм} = 10 \text{ мм}$), колосникли панжара ва аррачали барабан орасидаги масофа эса ўзгармас. Δ -аррачали барабан ва колосник орасидаги тирқиш.

7. Тўла омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида тозалагичнинг қуйидаги мақбул параметрлари тавсия этилади: барабаннинг айланиш частотаси – 320 айл/мин, аррачали барабан ва колосник орасидаги масофа - 14 мм, колосниклар диаметри – 21 мм тозалаш самарадорлиги 92% дан юқори бўлиши таъминланади. Ишлаб чиқариш синови натижасида таклиф қилинган тозалаш режимини қўллаш пахта хомашёсини қайта ишлаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши аниқланди, яъни ишлаб чиқариш жараёнида пахта хомашёсининг ифлослиги камайди. Бу пахта тозалаш машиналарининг тозалаш самарадорлиги ошишини билдиради.

8. Тавсия этилган режим бўйича ишлов берилган толада нуқсон ва ифлосликларнинг массавий улушлари ҳам мавжуд режимдагига нисбатан камайган, яъни янги режим нуқсон ва ифлосликларнинг массавий улушларини II навли пахта хомашёсидан олинган толада 0,48% (абс) (тавсия этилган режим бўйича тола II нав, синфи-“олий”, мавжуд режим бўйича тола II нав, синфи-“яхши”) ва III навли пахта хомашёсидан олинган толада 0,87% (абс) га (тавсия этилган режим бўйича тола III-нав, синфи-“яхши”, мавжуд режим бўйича тола III нав, синфи-“ўрта”) камайтиришга имкон берган.

9. Пахта тозалагичнинг колосникли панжарасини ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан олинган йиллик иқтисодий самарадорлик 294 200,85 минг сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

НОРБОЕВА ДИЛФУЗА ВАХОБЖОН КИЗИ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ
КОНСТРУКЦИИ ЭЛЕМЕНТОВ ЗОНЫ ОЧИСТКИ ОТ КРУПНОГО
СОРА**

05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника
и робототехнические системы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2023

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Т739.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Росулов Рузимурад Хасанович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Каюмов Абдул-малик Хамидович
доктор технических наук, профессор

Далиев Шухратжон Латибжонович
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится “04” марта 2023 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская, 7, тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edu.uz, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1–этаж, малый конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 523). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская, 7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz.

Автореферат диссертации разослан “21” февраля 2023 года.
(протокола реестра № 112 от “21” февраля 2023 года).



Муродов

Р.М. Муродов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Бобожанов

Х.Т. Бобожанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доцент

Холиков

К.М. Холиков

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире хлопковое волокно является одним из основных видов сырья для текстильной промышленности, а также уделяется особое внимание применению энергосберегающей технологии и технологической оснастке по очистке хлопка-сырца от сорных примесей. Согласно последним данным Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), средняя цена 1 кг хлопкового волокна в сезоне 2020-2021 годов составила 91.13 центов, общая площадь, на которой выращивается хлопок, составила 31.36 млн. гектаров, а собранный хлопок-сырец составил 28.51 млн. тонн. В 2020-2021 годах ожидаемый урожай хлопчатника составил 29.11 млн. тонн², поэтому большое значение приобретает снижение себестоимости продукции путем оснащения хлопкоочистительных предприятий новой ресурсоэффективной техникой и технологиями и производство конкурентоспособной на мировом рынке продукции в кластерной системе.

В мировой практике ведутся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование техники и технологии очистки и равномерной (непрерывной) передачи, переработки и очистки хлопка. В этой области большое значение имеет разработка более эффективных технологий и устройств для очистки, переработки хлопка, создание новой конструкции ресурсосберегающих очистителей обеспечивающих очистку и непрерывную подачу хлопка, оптимизация профилей производительности и параметров.

